

## Аҳли сунна шахсга тақлид қилмайди



14:10 434

Ушбу мақолада аҳли суннанинг манҳажи ва йўлини баён қиламиз. Бу нима ўзи? Аҳли суннани бошқа тоифалардан ажратиб турадиган энг ёрқин жиҳат шуки, Аҳли сунна ёлғиз шахсга эргашмайди.

«Қандай қилиб? Ахир Аҳли сунна Абу Ҳанифага, Шофеъийга, имом Моликка, имом Аҳмадга тақлид қилади-ку! Уларга тақлид қилиш шахсга эргашиш эмасми?» дейишади. Ҳа. Айнан мана шу Аҳли суннани бошқалардан ажратиб турадиган фарқдир. Яна қайтараман: Аҳли сунна шахсга тақлид қилмайди, шахсга эргашмайди. Балки илмга тақлид қилади, яъни эргашади.

Унда имом Молик, имом Шофеъий ва имом Аҳмадлар-чи? Қуйидаги саволни ва унинг жавобини кўп такрорлайман:

Абу Ҳанифа ҳанафий мазҳабига мансубми?

Ёки ҳанафий мазҳаби Абу Ҳанифага мансубми?

Имом Молик моликий мазҳабига мансубми?

Ёки моликий мазҳаби имом Моликка мансубми?

Содда ва қисқа қилиб: «Моликий мазҳабидагилар имом Моликка, ҳанафий мазҳабидагилар Абу Ҳанифага мансуб», дейилади. Лекин бу жавоб хатодир. Тўғри жавоб шундай: Абу Ҳанифа ҳанафийликка мансубдир, имом

Молик моликийликка мансубдир, яъни моликий мазҳаби аслида имом Моликдан олдин ҳам бор эди. Ҳанафий мазҳаби воқеликда Абу Ҳанифадан олдин ҳам бўлган.

Шу маънода баъзи биродарларимдан: «Тўрт мазҳабдан олдин кимлар бўлган?» деб сўрайман. Улар: «Тобеъинлар, саҳобалар бўлишган», дейишади. Йўқ. Улардан, яъни тўрт мазҳабдан олдин кофирлар бор эди. «Қандай қилиб тўрт мазҳабдан олдин кофирлар бўлади?» дейишади, чунки бу тўрт мазҳаб Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошланган. Набий алайҳиссаломдан олдингилар эса кофир бўлган, чунки ҳанафий мазҳаби Расулимиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошланган.

Тўртинчи ёки бешинчи бўлиб Исломга кирган Ибн Масъуд Кўфага борди. Бир неча йил ўтиб, у ерга Алий розияллоҳу анҳу борди. Сўнг етмишта бадрий (бадр жангида қатнашган) саҳоба, сўнг бир ярим минг саҳоба борди. Ана шулар ҳанафий мазҳабига асос солишди. Сизлар ҳозир ўрганаётган масалалар Ибн Масъуднинг масалаларидир.

Масалан, нима учун биз рукуъдан тураётиб қўлимизни кўтармаймиз? Чунки Ибн Масъуд кўтармаган.

Нега намозда «басмала»ни жаҳрий айтмаймиз? Чунки Ибн Масъуд жаҳрий айтмаган.

Нега икки намозни жамламаймиз? Чунки Ибн Масъуд жамламаган.

Нега «омин»ни баланд овоз билан айтмаймиз? Чунки Ибн Масъуд баланд овозда айтмаган.

Сиз ҳозир ўрганаётган масалаларнинг деярли барчаси Ибн Масъудга тегишли.

Булар эса Абу Ҳанифа туғилишидан олдин ҳам бор эди. Ҳанафий мазҳабидаги ҳамма масалалар аввало Ибн Масъудга, кейин ҳазрати Алийга, кейин Кўфадаги бошқа саҳобаларга бориб тақалади. Умуман, бу мазҳабнинг асоси, фатволари ва вужудга келиши имом Аъзамдан анча илгари бошланган. Аниқроғи, динимиз нозил бўлиши билан бошланган.

**«Ҳанафий мазҳабига теран нигоҳ» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 16 апрелдаги 03-07/2009-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.